



5 office Yangiobod street, Fergana, Uzbekistan, 150100.

Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (99) 851-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru

The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

**“Маргилон Файз Савдо комплекси”  
АЖ кузатув кенгаши ва акциядорларига**

Сана 05 март 2021 й

**Аудиторлик хулоса  
(Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича)**

**Фикр.**

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги "TTT-AUDIT" (JPA International) аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Янгиобод 5 уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Окэд 69202, тел (73) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик тегишли ўтказиш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335-реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома ҳамда Аудитор малака сертификати № 05599 20.03.2019 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) бош аудитори **Ботиров М.М** томонидан **“Маргилон Файз Савдо комплекси” АЖ**нинг 2020 йил 1 январдан-2020 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисоботидан, “Умумлашган даромад тўғрисида”ги ҳисоботдан, “Хусусий капитал” тўғрисидаги ҳисоботдан, шунингдек “Ҳисоб сийёсати”ни аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботни аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, аудит қилинган молиявий ҳисобот томонидан **“Маргилон Файз Савдо комплекси” АЖ**нинг 2020 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

**Фикр билдириш учун асос.**

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ **“Маргилон Файз Савдо комплекси” АЖ**нинг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

**Аудитнинг муҳим саволлари.**

Аудитнинг муҳим саволлари- булар бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисобот бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Улар умумий тарзда бизни молиявий ҳисобот аудити бўйича тузилган ҳисобот матнида ва ушбу ҳисобот бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган. Шунинг учун ушбу саволлар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

**Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва масъул шахсларнинг масъулияти.**

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни, Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисобот тузиш жараёнида ташкилотни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш, бунда раҳбариятни ташкилотни тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу ҳаракатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашни назорат қилиш бўйича масъулдир.

**Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти.**

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган “Маргилон Файз Савдо комплекси” АЖнинг 2020 йил молиявий ҳисоботи ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат. Оқилона ишонч ишончининг юқори даражаси бўлсада, Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Бузиб кўрсатишлар ва ноҳўя ҳаракатлар натижаси, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса муҳим бўлиб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
“ТТТ-AUDIT” аудиторлик ташкилоти  
бош директори бош аудитор .САР

Бош аудитор



М.Х Ботиров

М.М Ботиров

Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012  
тида Молия Вазирлиги томонидан берилган